

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ  
БОСҚИЧИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Шерқўзи Абдулаев

Самарқанд давлат университети таянч докторанти

**АННОТАЦИЯ**

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида барча соҳалар қатори мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда соҳада қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мактабгача таълим тизими ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилишига оид маълумотлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** норматив-хуқуқий хужжатнинг, оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасалари, қарорлар, таълим ташкилотлари.

**АННОТАЦИЯ**

На новом этапе развития Узбекистана была проведена масштабная работа по развитию системы дошкольного образования по всем направлениям. В этой связи важное значение приобрели принятые в сфере нормативно-правовые документы. В данной статье представлена информация о совершенствовании правовой базы системы дошкольного образования на новом этапе развития Узбекистана.

**Ключевые слова:** нормативный правовой документ, семейные негосударственные дошкольные образовательные учреждения, решения, образовательные организации.

**ABSTRACT**

At the new stage of Uzbekistan's development, large-scale work was carried out on the development of the preschool education system in all areas. In this regard, the normative legal documents adopted in the field became important. This article provides information on the improvement of the legal basis of the preschool education system at the new stage of Uzbekistan's development.

**Keywords:** regulatory legal document, family non-state pre-school educational institutions, decisions, educational organizations.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Аммо шунга қарамай, бу борада ҳам айрим камчиликлар сақланиб қолди. Жумладан, 2016 йилга қадар бўлган сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайди. Республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. Худди шу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз ва Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этар эди<sup>2</sup>. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермади<sup>3</sup>. Шу ва бошқа омиллар соҳа фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

2016 йилдан эътиборан бу борадаги ишлар янги босқичга қўтарилиди. Бунда аввало соҳа фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатлар замон талабларига мослаштирилди. Жумладан, Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий – техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш мақсадида 2016 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори<sup>4</sup> қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган чора тадбирлар режаси, 2017 - 2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрлари, молиялаштириш хажми, манбалари тасдиқланди.

2017 йил 30 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>5</sup> эълон қилинди. Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилиши белгиланди. Мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>

<sup>2</sup> Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари модули бўйича Ўкув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2018. – Б.34.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/3090103>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>

шарт-шароитлар яратиш янги ташкил этилган вазирликнинг асосий вазифалари қаторига киритилди<sup>1</sup>.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг худудлардаги бошқармалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланди<sup>2</sup>.

Кейинги йилларда ҳам соҳа ҳуқуқий асосларини янгилаш ва такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Жумладан, 2018 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 30 июлдаги “Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор қабул қилинди<sup>3</sup>.

Бу даврда мактабгача таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш асосий вазифалар қаторига киритилди. Бу бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2018 йил 1 марта бошлаб мактабгача таълим муассасаларидаги мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари ойлиги 30 фойзга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ходимлари фаолияти сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан мактабгача таълим соҳасида жаҳон тажрибасини қўллаш бўйича вазифалар белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/3362881>

<sup>3</sup> <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/maktabgacha/1661.htm>

шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Қарорда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ушбу соҳада сифатли кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида” ва ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистоннинг мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди. Мактабгача таълимни ривожлантиришга, мактаб ёшидаги болаларни ҳар томонлама камол топтиришга ва уларни маънавий-ахлоқий, баркамол ва интеллектуал авлод этиб тарбиялашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг энг асосий вазифалари қаторига киритилди<sup>2</sup>.

Мактабгача таълим соҳаси учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида “А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳудудлар, таълим ташкилотлари ва таълим соҳасидаги бошқарув органларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида халқаро таълим стандартларига мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари бири этиб белгиланди<sup>3</sup>.

Ушбу йилларда чекка ҳудудларда ҳам болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишни кучайтириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги қарорига биноан, чекка туманларда мактабгача таълим муассасаларига отоналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январга қадар икки бараварга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ишларини яхшилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда соҳа муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий асосларнинг такомиллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада айрим норматив-ҳукуқий ҳужжатлар такомиллаштирилган

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3794699>

<sup>2</sup> <https://kun.uz/news/2018/07/02/toskent-sarida-pucon-universiteti-is-boslajdi>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5036447>

бўлса, аксарият қисми эса янгидан қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишида соҳадаги хорижий тажриба ҳисобга олинди. Натижада мактабгача таълим муассасаларида иш услуби замон талабларига мослаштирилди.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI: (REFERENCES)**

1. <sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>
2. <sup>1</sup> Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2018. – Б.34.
3. <sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3362886>
4. <sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3090103>